



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (12.603)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



...Пойтахтимиздаги супермаркетлардан бирида икки қиз соч ювиш воситаларининг қайси яхшироқ қай бири сифатли эканини билмай овера. Уларнинг суҳбатини тинглаб турган сотувчи чиройли қадоқланган идишдаги соч ювиш воситасини қизларга тавсия қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

## МАҲСУЛОТ СИФАТИ ОШМОҚДА

— Қаерда ишлаб чиқарилган? — сўради қизлардан бири қизикиб.  
— Юртимизда ишлаб чиқарилган, сифати ҳам аъло даражада, — деди сотувчи.

Қизларга бу таклиф маъқул бўлди. Айни вақтда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан юртимиз бозорлари ва дўконларига чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифати кун сайин ортмоқда. Демакки, барча тармоқларда, хусусан, аҳолига турли пардоз маҳсулотлари, соч бўёқлари ва совулар етказиб бериш йўналишида ҳам сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрловчи корхоналар сони тобора кўпаймоқда.

Пойтахтимиздаги «Bioline Kosmetiks» масъулияти чекланган жамияти улардан бири. Корхона раҳбари Саидабиби Ҳасанова етакчи сифатида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшларга хунари ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратган эътибори бизга куч-ғайрат бағишламоқда, — дейди С.Ҳасанова. — Соғлом рақобат муҳитида турли йўналишда хизматлар кўламини ва маҳсулот сифатини янада ошириш

орқали мижозлар ишончини қозонмоқдамиз. Мулк эгасини топса ва унга молиявий кўмак берилса, ишбилармоннинг иши ривожланади. Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истигадиги инсонларга барча шароит яратилган.

Атир-упа ва пардоз маҳсулотларининг турини кўпайтириш устида изланаётган тадбиркор аёл бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонларга яратилган имкониятлар боис сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, аҳолига тақдим этмоқда. «Bioline Kosmetiks» маҳсулотлари ички бозорда ўз харидорларини топиш билан бирга, ташқи бозорда ҳам унга қизиқувчилар ортмоқда.

2007 йилда иш бошлаган корхонада дастлаб етти нафар ишчи болалар учун кремлар ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда «Bioline», «Life Color», «VIVAtop» каби эллик турдан зиёд махсус крем, ўттиз турда соч бўёқлари, шампунь, совун каби маҳсулотлар тайёрланмоқда. Жамоа аъзоларининг сони эллик нафардан ошди.

Корхонада сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида 2012 йилда «Инфин банк» очик акциядорлик тижорат банкидан уч юз миллион сўм кредит олиниб, цехлар замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда)

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

## ОИЛА ФАРИШТАСИ, ЭЛ-ЮРТ ФИДОЙИСИ

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий қамолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Халқимиз азалдан аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, уларни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратиб келган. Истиқлол йилларида бу эзгу анъана янада бойиди, янгича мазмун билан тўлдирилмоқда. Бунинг инъикоси ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани буюк келажагимизни бунёд этишга қодир баркамол авлод вояга етаётганида, оилалар фаровонлиги ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кун аёли нафақат оила фариштаси, балки мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган фаол тадбиркор, эл-юрт фидойисидир.

ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора МАЪРУФОВА билан аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва

мавқеи, амалга ошираётган ишлари ҳақида суҳбатлашди.

— Мамлакатимиз хотин-қизлари ҳақида сўз кетса, уларга дунёдаги энг бахтли, энг муҳтарам, деган таърифлар ярашади, — дейди Г.Маъруфова. — Чунки аёл учун тинч, фаровон юрtda, чиройли хонадоннинг бекаси бўлиш, соғлом ва баркамол фарзандни камолга етказиш, жамиятда қадр топишдан ортқироқ саодат борми дунёда?

Булларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, фарзандларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмайдиган вояга етиши учун барча зарур шарт-

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## СОҒЛОМ, КУЧЛИ, БИЛИМЛИ

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида мuddатли ҳарбий хизматга қақирилувчиларни армия сафига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирuvi ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиги бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник А.Рустамов мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида юқори малакали ҳарбий мутахассислар тайёрлаш учун барча шароит яратилганини таъкидлади. Бу борада жорий этилган саралаш танлови тизимига асосан мuddатли ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук ўғлонлар йўл олмоқда. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ учун бир ўринга қамидан 10-11 қақирилувчи даъвогарлик қилмоқда.

Шу билан бирга, қақирилувчиларнинг касбий маълумоти ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

— Тиббиёт коллежини битириб, икки йилдан буён тез ёрдам хизматида ишлайман, — дейди Бектемир туманидан қақирилувчи Б.Ғоziбoвeв. — Бундан ташқари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент бирлашган техника мактабида ҳайдовчи-электрик мутахассислигини эгалладим. Билим ва кўникмаларим ҳарбий хизматда қўл келишига ишонаман. Армиядан қайтганимдан сўнг Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга киришни ният қилганман.

— Ўғлим болалигидан бокс билан мунтазам шуғулланади, — дейди Чилонзор туманидан Ф.Салимов. — Турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, бир неча бор совриндорлар қаторидан ўрин олди. Яхши жисмоний тайёргарликка эгалиги, қатъияти ва меҳнатсеварлиги фарзандимга ҳарбий хизмат давомида ёрдам беришига шубҳам йўқ. Унинг орзуси Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлиги билим юртига ўқишга кириб, профессионал ҳарбий бўлиш.

Роман БОНДАРЧУК,  
ЎЗА муҳбири

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ:

## ШАФФОФЛИК ВА ОШКОРАЛИК

Тошкентда «Хусусийлаштириш соҳасида қонунчилик: муаммолар, ечимлар ва таклифлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ри сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида 1991 йилда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунни қайта кўриб чиқиш ва янги таҳрирда қабул қилиш талаб этилаётгани таъкидланган. Шу ўринда мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети ёки «олтин» акцияларни давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусу-

сий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилган эди.

Хусусийлаштириш жараёнларининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантиришда «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун муҳим дастурамал бўлди. Сўнгги йилларда амалиётта татбиқ этилган хусусийлаштиришнинг янги механизмлари амалдаги қонун-қоидаларни аниқлаштирадиган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши талаб қилди.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида «Фуқаролик жамияти ривожланишининг сон ва сифат ўзгаришлари: Сурхондарё вилояти мисолида» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, давлат, жамоат ва нодавлат но-тижорат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Анжуманда Соғлом бола йилида ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилаётган муҳим йўналишлар бўйича лойиҳалар белгилаб олинди.

• Наманган вилоятининг Чуст туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура, «Қамолот» ЁИХ туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда элликка яқин корхона, ташкилот ва муассаса икки юздан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

• «Қамолот» ЁИХ Жиззах вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда ёшлар ташкилотининг кейинги икки ярим йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

• Сирдарё вилояти академик лицей ва касб-хунари коллежларида «Буви-жонлар бонг уради» деб номланган тажриба мактаблари иш бошлади. Лойиҳа ташкилотчиларининг айтишича, бу ташаббусни янада кенгайтириш ва оммалаштириш эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатини кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олаётган ота-оналарга тўғри йўл кўрсатишда муҳим омил бўлади.

• Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги «Р.Жаримқасимов» номли хусусий корхонада амалга оширилган модернизация жараёнлари боис бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми икки барабар ошди. Корхонада банкнинг 220 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига қўшимча линия ишга туширилган, пишиқ гишт ишлаб чиқаришнинг йиллик қуввати 2,5 миллион донага етди, қўшимча равишда 20 нафар ёшлар ишга олинди.

## ЖАҲОНДА

• Испания ва Буюк Британия полициячилари томонидан АҚШ, Сербия, Испания ва Буюк Британиядаги 35 та объектда халқаро фирибгарларнинг фаолиятига чек қўйиш юзасидан амалга оширилган рейдлар давомида 110 нафар жиноятчи қўлга олинди. Тартиб посбонлари фирибгарларга тегишли бўлган бир неча қимматбаҳо автомобилъ, дизайнёрлик кийимлари, тилла соатлар ва 836 минг АҚШ долларини мусодара қилдилар.

• Канадада қалин қор ёғиши натижасида Барри шаҳри атрофидаги шосседа 96 та транспорт воситалари ўзаро тўқнашиб кетди.

• Жамму ва Кашмир штатида хизмат вазифасини ўтаётган Ҳиндистон армияси аскарлари беш нафар хизматдошларини отиб ташлаганидан сўнг ўз жонига ҳам қасд қилди.

• Ўтказилган тест синовлари натижасида АҚШдаги ядро қирқиндиларини сақлаш жойида фаолият кўрсатаётган 13 нафар ходимнинг меъёрдан ортиқ радиация дозаси билан нурланганлиги аниқланди.

шароитни яратиш, жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини оширишга бўлган юксак эътибор натижасидир. Иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг эллик фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этаётгани бу фикрнинг яққол исботидир. Улар орасида корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари кўп. Бир неча аёлларнинг Ватанимизнинг юксак муқофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилгани жамиятимизда уларнинг мавқеини янада оширди. Натижада ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизи, Сенат аъзоларидан 12 нафари аёллардир.

Бу каби чора-тадбирлар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маданият соҳаларига оид масалаларни ҳал қилишга кенг жалб этишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки уларнинг рўзғори бутлиги, хонадони ободлиги, фарзандидан кўнгли тинчлиги самарасидир. Сўнгги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида минглаб шином ҳовлилар бунёд этилмоқда. Улардаги қулай шарт-шароит аёлнинг зиммасидаги ташвишларни осонлаштирмоқда. Ҳар бир оиланинг уй-рўзгор юмушларини енгиллаштирувчи замонавий маиший техника воситалари билан таъминланганлик даражаси ортиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир.

(Давоми 3-бетда)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ҳамда «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Интеллектуал мулк агентлиги тизимидаги ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, Интеллектуал мулк агентлиги бош директори вазифини бажарувчи З.Ғиёсов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда илмий-техник ижодкорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, инновация фаолиятини ривожлантириш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бора-

сида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми ва ташкилий асослари яратилган. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан мазкур йўналишдаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш мақсадида йиғирмага яқин қонуности ҳужжати, эллика яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

2011-2013 йилларда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида асарлар

ва турдош ҳуқуқлар ҳамда саноат мулки объектлари ҳисобланган ихтиро, фойдали модель ва саноат намуналарига уч мингга яқин талабнома қабул

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

қилинган. Бир минг беш юздан зиёд интеллектуал мулк объекти давлат рўйхатидан ўтказилган.

Агентликда рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари бўйича маълумотлар базаси шакллантирилган. Улар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ойда расмий ахборотномада нашр этилади ва ташкилот веб-сайтида эълон қилиб борилади. Айтилган вақтда ушбу маълумотлар базасидан интерактив усулда фойдаланишни таъминлаш бўйича замонавий ахборот тизимлари ишлаб чиқилмоқда.

Интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний

фойдаланишнинг олдини олиш бўйича тегишли давлат органлари билан биргаликда бозорлар, савдо мажмуалари, гавжум жойларда ноқонуний фонограмма ва аудиовизуал маҳсулотлар савдосини аниқлаш бўйича тизимли мониторинг олиб борилмоқда. 2011-2013 йилларда ўтказилган бундай тадбирлар давомида бир минг икки юздан ортқ қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, уларга тегишли чоралар қўриш юзасидан ваколатли органларга маълумотлар тақдим этилган.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бора-сида ҳам изчил ишлар олиб борилаётир. Мамлакатимиз бу йўналишда ўн бешта халқаро шартномага қўшилган. Интеллектуал мулк агентлиги манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу халқаро шартномалардаги талаблар бажарилишида фаол иштирок этмоқда.

Йиғилишда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда ечимини қутаётган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишдаги иштирокини кучайтириш, ихтирочилик салоҳиятини, аниққса, ёшларнинг бу борадаги фаоллигини оширишга қаратилган имтиёزلарни, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги илмий-амалий ишлар қўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири**

## МАҲСУЛОТ СИФАТИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Франция, Италия, Германиядаги компаниялар билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари корхона фаолияти самарадорлигини оширмоқда. Хусусан, 2013 йилда Италиядан келтирилган илгор технологиялар маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

— Цехларимиз, маҳсулот сифати текширилаётган лабораториямиз замонавий ускуналар билан жиҳозланди, — дейди ЎЗА мухбирига корхона ишчиси Саидкул Сариев. — Натижада қўл меҳнати енгиллашиб, ишлаб чиқариш

ҳажми ошди, маҳсулотлар сифати яхшиланиб, турлари кўпайтирилмоқда.

Ишбилармон аёл Саидабиби Ҳасанованинг режалари улкан. У «устоз-шоғирд» мактабини йўлга қўйиб, ёшларни янада кенгрок жалб этишни мўлжалламоқда.

Замонамизнинг тадбиркор, оқила аёллари оиласининг иқтисодий аҳолини ўнглаш, фарзандлари келажагини таъминлаш истагида касб-хўнаў ўрганмоқда. Бу оилаларга янада тўқинлик ва фаровонлик, файз бағишлайди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА**



Елкин Шамсиддинов (ЎЗА) олган суратлар

**Шаҳримизда Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг 2013 йил яқунлари бўйича Раёсат йиғилиши ўтказилди.**

## ЯХШИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТИШДИ

Тадбирда 2013 йил яқунлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган туман ташкилотлари, техник ва амалий спорт турлари билан шугулланувчи спортчилар, ташкилот фаолиятини ОАВ орқали кенг ёритишда иштирок этган мухбирларга Кенгашнинг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ташкилот ўз олдида қўйган вазифаларнинг амалга оширилишида муносиб ҳисса қўшган ва 2013 йил яқунлари бўйича яхши натижаларга эришганлиги учун «Бектемир ЎСТК» унитар корхонаси жамоаси ҳам тақдирланди.

— Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар яратиш, Ватанимиз ёшларини баркамол шахслар этиб шакллантириш борасида «Ватанпарвар» ташкилотига катта ишонч bildirилган, — дейди 2013 йил яқунлари бўйича ғолиб ташкилот раҳбари Мухторжон Холиқназаров. — Ўтган йилда ташкилотимиз оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўзига хос ютуқларни қўлга киритди. Жумладан «В» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш бўйича 720 нафар, «ВС» тоифасида 98 нафар, «С» тоифалари бўйича 75 нафар ўқувчи тайёрланган. 2013 йилда янги йўналиш — автоспорт секцияси ташкил қилинди. Бундай рағбатлар албатта бизни янада самарали меҳнат қилишга, ишга ғайрат билан ёндошишга ундайди.

Тадбирда техник ва амалий спорт турлари бўйича кўплаб ютуқларни қўлга киритган йилнинг энг яхши спортчилари ҳам муносиб тақдирланди.

— Ўтган йил мен учун жуда омадли келди, — дейди 2013 йилда спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақаларда юқори кўрсаткич ва натижаларга эришган «Олмазор ЎСТК» унитар корхонаси спортчиси Изаат Мўминов. — Авиамодель спорт тури бўйича Наманганда ўтказилган мусобақада Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Қозғистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни банд этдим. Ўз устимда тинимсиз ишлаш, устозларимнинг йўл-йўриқлари билан шундай натижаларни қўлга киритиб келмоқдам. Келажақда бундан юқори чўқиларни забт этиш ниятидаман.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида, жумладан, Тошкент бирлашган техника мактабида ҳар йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига кўплаб етуқ мутахассислар тайёрлаб берилмоқда. Ташкилот тасарруфидаги ўқув-спорт техника клублари қошидаги ҳарбий амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўғрақларга жалб этилган ўсмир-ёшларнинг бу спорт турларига қизиқишлари уларнинг Ватанимизнинг етуқ, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларига замин ярати.

**Зарина РУСТАМОВА**

## Қарор ва ижро

## ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини янада ошириш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Унда Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди раҳбарлари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Банклар ассоциацияси, Микромолия институтлари миллий ассоциацияси, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори банкларнинг ишончлигини таъминлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Қарорда 2011-2015 йилларда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидagi депозитлари ҳажмини 2,5 марта ошириш кўзда тутилган.

«Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини янада ошириш» лойиҳасидан қўзланган мақсад юртдошларимизнинг бу борадаги билимини мустаҳкамлаш, молиявий режалаштиришнинг самарасини тарғиб этиш,

шунингдек, аҳоли ва кичик бизнес вакиллари ўртасида молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжни кучайтиришдан иборат.

— 2013 йилда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ушбу мавзуда суҳбатлар ўтказдик, — дейди ЎЗА мухбирига Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди департамент директори Маттиас Фос. — Мазкур тадбирларда инвестицияларнинг асосий манбаи бўлган жамғармаларнинг аҳоли турмуш даражасини мустаҳкамлашдаги ўрни, молия муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, омонатларни ҳимоялаш юз фоз кафолатлангани, уларнинг сир сақлаиши ҳамда даромад солиқларидан озод этилгани ҳақида тушунириш ишлари олиб борилмоқда.

Давра суҳбатидида молиявий саводхонлигини янада ошириш бўйича мавжуд таълим дастурларини такомиллаштириш юзасидан давлат идоралари, таълим муассасалари ва молия ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир доирасида ушбу йўналишда доир бир қатор ўқув қўлланма ва рисоалар тақдими ўтказилди.

**Сайёра ШОЕВА**

**Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳар прокуратураси ташаббуси билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

Ушбу тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йилининг 17 февралдаги «2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгиланган асосий устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-хўнаў коллежлари битирувчилари ва ўз соҳаси бўйича иш қилиб юрган фуқароларни касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Айтиш жоизки, кейинги пайтларда Ватанимиз мустақиллигининг асосий таянчи бўлган ёшларнинг салоҳиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу боис ёшлар келажақдаги фаровон ҳаётимизнинг бош мезони ҳисобланиб, ҳукуматимиз томонидан уларнинг ҳар томонлама шаклланиши ва ҳақли равишда ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишига катта аҳамият берилмоқда. Таъкидлаш кераки, ёшларга оид давлат сиёсатида олий ва ўрта махсус, касб-хўнаў таълими тизимини тамомлаган битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларнинг меҳнат жамоаларига мослашувига кўмаклашиш

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ

асосий вазифалардан бири эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилган.

— Бугунги кунда пойтахтимизда 120 та академик лицейлар ва касб-хўнаў коллежлари фаолият кўрсатиб, жорий йилда ушбу таълим муассасаларини 44579 нафар ўсмирлар битиради. Ушбу ёшларнинг 11000 нафари олий ўқув юртларига кириш истагини bildirгач, 15000 дан ортқ битирувчилар меҳнат ярмаркалари орқали касбий малакалари бўйича ўзлари танлаган соҳаларига ишга жалб этилади. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида 27 та олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, жорий йилда ушбу ўқув юртларини 6000 нафар талабалар тамомлаши кутилмоқда. «Таълим ва карьера» Халқаро кўргазмаси доирасида ташкил этилаётган меҳнат ярмаркасида олий ўқув юртлари барча битирувчиларининг ташрифи уюштирилди. Шунингдек, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда маҳаллаларда банд бўлмаган

аҳолининг манзилли рўйхатлари шакллантирилди, — дейди Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг «Бандликка кўмаклашиш ва тахлил» бўлими бошлиги Мавжуда Ибодуллоева. — Шу билан бир қаторда пойтахтимизда ёшлар учун ташкил этилаётган ушбу меҳнат ярмаркасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар ва меҳнатга лаёқатли бўлган катта ёшдагилар ҳам фаол иштирок этди.

Ушбу ярмаркада доимий иш билан банд бўлмаган фуқаролар 138 та корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан 7876 та бўш иш ўринлари тавсия этилди. Бундан ташқари, 2149 та корхона ва ташкилотларга тегишли 6134 та бўш иш ўринларининг манзилли электрон рўйхатлари билан барча туман Бандликка кўмаклашувчи марказлари фаол иштирок этди.

**Диллор РЎЗИКУЛОВ,  
ЎЗДЖУ талабаси**

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ШАФФОФЛИК ВА ОШКОРАЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда хусусийлаштириш масалалари 80 дан ортқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Шунинг учун «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини тайёрлашдан қўзланган мақсад, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини янада кенгайтиришга йўналтирилган давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг аниқ пайтдаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, хусусийлаштиришнинг жорий амалиёти ва замонавий стратегияларини қонунчилик билан тартибга солиш, барча тоифадаги инвесторларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиш, ушбу соҳадаги битимларнинг ошқоралиги ва хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлашдир.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Ғафоров мамлакатимиз иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар самарасида 2013 йилда хусусий секторга қарийб 180 давлат активи, шундан 83 таси «нол» қийматда берилганини қайд этди. Инвестициявий мажбуриятлар 70,8 миллиард сумни ташкил қилди. Мазкур маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ҳажмини оширишга йўналтирилди.

«Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида инвестициявий ва иқтисодий мажбуриятларни бажариш шарти билан «нол» қиймат бўйича танлов асосида хусусийлаштириладиган паст ликвидли давлат мулки объектлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллариди алоҳида қизиқш ўйгатаётгани таъкидланди.

«Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкни хусусийлаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни сезиларли даражада яхшилайдиган, мазкур жараёни янада кенгайтириб, унинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлайди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎЗА мухбири**

## АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия**

**вазирлиги томонидан «Ҳуқуқий**

**тарғибот ва маърифат соҳасида**

**Идораларро кенгаш фаолияти»**

**мавзусида матбуот анжумани ташкил**

**этилди.**

Бугунги кунда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам ҳаракатга келтирувчи кучи ҳам — юксак маънавиятли, мустақкам иродали ёш авлодни ҳеч қимдан кам бўлмаган, Юртбошимиз таъкидлаганларидек аждодларимизга муносиб авлод қилиб тарбиялашга қаратилган. Бинобарин, мамлакатимизда аҳоли, аниққса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги ҳар томонлама соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, янада кучайтириш, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар ҳам уларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг, аниққса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини марказлашган ҳолда режалаштириш, ягона тизимга солиш, ҳисоботларини эшитиш ва тегишли тавсиялар бериш юзасидан Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш юзасидан Идораларро кенгаш тузилгани ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

— Адлия вазирлиги ҳузуридаги Идораларро кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини кучайтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ОАВ ролини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган ҳуқуқий адабиётларни нашр этиш ҳамда тарқатиш тизимини йўлга қўйишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ҳуқуқий таълим бўлими бош маслаҳатчиси Лола Каримова. — Ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида кенгаш томонидан интерфаол шаклдаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда бу жараёнда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар қамраб олинган алоҳида қўлланма тайёрланди. Ёш авлоднинг ҳуқуқий билиминини юксалтиришда ҳуқуқий адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида бу йўналишда ўн мингдан ортқ номда дарслик ва ўқув-ўқувчи қўлланмалар яратилди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб бориш мақсадида 15 мингдан ортқ турдаги плакат ва буклетлар қарийб 128 минг нусхада чоп этилди.

Тадбирда Идораларро кенгашнинг фаолияти, жорий йилга мўлжалланган иш режаси ҳақида атрофича маълумот берилди. Унда аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлашда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланиб, бу жараёнда ОАВ, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуман сўнгидида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан тўлиқ жавоб олдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**



## Спорт янгиликлари

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ  
ЧЕМПИОНЛИККА  
ДАЪВОГАР

Болгариянинг София шаҳрида давом этаётган бокс бўйича анъанавий «Странджа» халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.

Дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан энг сара боксчилар иштирок этаётган мазкур мусобақада ярим финалга йўлланма олган чарм қўлқоп усталари аниқланди.

Чорак финалнинг кескин ва мурасасиз руҳда ўтган учрашувларидан бири вазни 91 килограммдан ортиқ бўлган боксчилар – ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов ва украиналик Алексей Жук ўртасида бўлди. Унда кучли техника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга боксчимиз рақибини катта устунлик билан мағлубиятга учратди.

Баҳодир Жалолов финал йўлланмаси учун ўтказиладиган навбатдаги жангда мезбонлар вакили Петар Белберовга қарши рингга чиқади.

Энг енгил – 49 килограммгача вазн тоифасидаги боксчилар ўртасидаги баҳсларда иштирок этаётган Камол Мелиев ҳам чорак финалдан муваффақиятли ўтди. Украиналик Максим Чулячев устидан зафар қучган умидли спортчимиз ярим финалда ирландиялик Хюман Тагарихулар билан рақобатлашадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,  
ЎЗА мухбири

Маълумки, 5 март кuni Тошкентда футбол бўйича Ўзбекистон – БАА миллий терма жамоалари ўртасида Осиё чемпионлигига саралаш турнири гуруҳ беллашуви бўлиб ўтади.

ТАРКИБ ЭЪЛОН  
ҚИЛИНДИ

Айтиш жоизки, 2015 йилда Австралиядан ўтадиган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ҳам, БАА терма жамоаси ҳам йўлланма олган.

Аммо, сўнги учрашувдаги ғалаба миллий терма жамоамизга гуруҳдаги биринчи ўринни тўхфа этиши мумкин.

Бош мураббий Миржалол Қосимов ушбу учрашувда майдонга тушиши мумкин бўлган 23 нафар футболчи рўйхатини эълон қилди.

Таркибга «Бунёдкор», «Локомотив», «Насф», «Пахтакор» жамоаларида ўйнайдиган бир неча маҳоратли футболчилар ҳамда легионерлар киритилган.

МУСОБАҚАНИ ЯХШИ  
БОШЛАДИ

Франция кортлари ўзбек теннисчилари учун омадлига айланмоқда. Бу йил Денис Истомин янги мавсумдаги дастлабки совринини айнан ушбу мамлакатнинг Монпелье шаҳрида қўлга киритди.

Энди терма жамоамизнинг яна бир тажрибали аъзоси Фаррух Дўстов ҳам Францияга бош совринни қўлга киритиш учун келди. Шербур шаҳри мезбонлик қилаётган АТРнинг «Челленджер» туркумига кирувчи «Cherbourg Challenger-2014» халқаро турнирида биринчи давра учрашувларида Фар-

рух АҚШ вакили Аустин Кражичек билан куч синашди.

Мазкур ўйиннинг биринчи сетига ҳамюртимиз рақибига нисбатан тезкор ҳаракат қилиб, ўзининг аниқ зарбалари эвазига 6:4 ҳисобида зафар қучди. Иккинчи сетда Фаррух Дўстов ўйин суръатини янада оширди.

Ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг жисмонан соғлом бўлишларига эришиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу бонс юртимизда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилингани, ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсон қилиб вояга етказиш доимо диққат марказида бўлиб келаётганини тасдиқлайди.

## ҲАКАМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Олмазор туманидаги 315-сонли умумжағлим мактабда ўғил-қизларнинг фанларни яхши ўзлаштиришлари баробарида жисмоний тарбия, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўқувчилар мактабда жисмоний тарбия дарсларида қатнашишларида ташқари турли спорт машғулотида чиникишяпти. Ўнлаб ўсмирлар «Пахтакор», «Бунёдкор» ва бошқа клублар қошидаги футбол мактабларида шуғулланишмоқда.

Яқинда мактабда ФИФА рефериси Равшан Эрматов, унинг ассистенти Абдухамидулло Расулов, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Спорт канали шарҳловчиси Мирзаҳаким Тўхтамир-

заевлар билан учрашув бўлиб ўтди. Улар футбол бўйича Бразилияда жорий йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилишга ва мусобақаларни ойнаи жаҳон орқали намойиш этишга қандай тайёргарлик кўрилатгани ҳақида гапириб бердилар. Суҳбат қизиқarli савол-жавобларга улашиб кетди.

– Бу жонли мулоқот ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди, – дейди мактаб директори Барно Шокурбонова. – «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида шундай тадбирларни янада мазмунли ва таъсирчан ўтказишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз.

С.АЛИЕВ

ЮНОН-РУМ  
КУРАШЧИЛАРИ  
БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуасида ўтказилган турнирда юртимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 200 нафарга яқин юнон-рум кураши бўйича полвонлар ғолиблик учун курашдилар.

Мусобақада 50, 60, 74 ва 96 килограмм вазн тоифаларида спортчилар ўзаро курашдилар. Бунда 50 килограмм вазнда Исрол Бахромов, 60 килограммда Собир Казакбоев, 74 килограмм вазнда Дийрбек Шарипов ва 96 килограммлик курашчилар ўртасида Нуриддинхўжа Султоновлар олтин медалларга сазовор бўлишди.

Мусобақанинг аҳамияти шундаки, ғолиблар жорий йилда олий ўқув юртларига кириш учун имтиҳонларга эга бўлади ва июнь ойида Мўғулистонда ёшлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионати ҳамда август ойида Хорватияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга кири-тишди.

Натижада ҳисобни 6:2 кўринишига олиб келиб, иккинчи даврага йўл олди.

Иккинчи даврада ҳамюртимиз италиялик Марко Чеккинато билан куч синашди.

Фаррух ўйинни юқори суръатда бошлади. Марко Чеккинато биринчи сетда унга деярли қаршилик кўрсата олмади. Сет 6:2 ҳисобида Фаррух фойдасига ҳал бўлди.

Биринчи сетдаги мағлубиятидан сўнг италиялик теннисчининг ўйин суръати пасайиб кетди ва Фаррух учрашув тизгинини ўз қўлига олиб иккинчи сетда ҳам 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Жаҳоҳир ТОШХҲҲАЕВ



Пойтахтимизда боулинг бўйича биринчи лига вакиллари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Дастлабки турда пойтахтимиз жамоаси аъзолари ғолиб чиқди. Унда Моҳинур Нурматова бошқалардан кўра маҳоратлироқ эканлигини исботлади. Эраклар ўртасида омаднинг синаб кўрган Гофир Абдуллаевнинг хатти-ҳаракатлари ҳам мутахассислару мухлислари мамнун этди.

Боулинг беллашувларининг 2-тури 16 март кuni уюштирилади.

## МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Туркияда футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўқув йилин машғулотида иштирок этмоқда.

Кuni кеча Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз машғулоти йилин доирасида Россиянинг «Зенит» клуби билан назорат-ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашди. Қизиқarli ва мурасасиз кечган учрашув 1:1 ҳисобида якунланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 8 апрель кuni соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 23 октябрдаги 1-4251/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик Ҳалқа йўли (аввалги Г.Узоқов) кўчаси, 60А-уй, 159-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 52,40 кв.м., яшаш майдони 35,04 кв.м., 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошлангич нархи – 35 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кичик Ҳалқа йўли (аввалги Г.Узоқов) кўчаси, 60А-уй, 160-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 50,82 кв.м., яшаш майдони 32,52 кв.м., 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошлангич нархи – 35 000 000 сўм.

2014 йил 25 март кuni соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулклар

Миробод туман Суд ижрочилари бўлими томонидан тақдоран савдога қўйилган:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мирон-шоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 174 697 828 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4-қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 222 090 928 сўм.

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошлангич нархи – 40 346 500 сўм.

4. Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 27 декабрдаги 10-1207/24057-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тюлпан тор кўчаси, 92-уйда жойлашган, умумий майдони 1092,0 кв.м. бўлган цех биноси. Бошлангич нархи – 373 130 100 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида беэсита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кuni қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кўч., 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБАСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Таълим муассасаси номи              | Манзили                                  |
|---|-------------------------------------|------------------------------------------|
| 1 | Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи | Сергели тумани, Сергели 3-мавзеси, 49-уй |

Малака талаблари: касб-хунари коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимидаги шахсларга иш стажига талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунари таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.
2. Сўровнома (справка-объективка).
3. Таржимаи ҳол.
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси.
5. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
6. Паспорт нусхаси.
7. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
9. Тавсифнома.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35

## ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТГА!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютасига оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

| №  | Бошқарма ва туман бўлимлари    | Ишонч телефони рақамлари |
|----|--------------------------------|--------------------------|
| 1  | Бошқарманинг набаҳтчилик қисми | 241-92-05                |
| 2  | Бектемир туман бўлими          | 295-18-90                |
| 3  | Мирзо Улуғбек туман бўлими     | 237-44-82                |
| 4  | Миробод туман бўлими           | 215-67-07                |
| 5  | Олмазор туман бўлими           | 228-01-00                |
| 6  | Сергели туман бўлими           | 258-75-71                |
| 7  | Ўчипта туман бўлими            | 271-52-06                |
| 8  | Ҳамза туман бўлими             | 289-59-88                |
| 9  | Чилонзор туман бўлими          | 271-12-56                |
| 10 | Шайхонтоҳур туман бўлими       | 230-31-85                |
| 11 | Юнусобод туман бўлими          | 234-20-67                |
| 12 | Яққасарой туман бўлими         | 250-13-66                |

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога тақдоран Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Республика Рассомчилик коллежининг 04.12.2013 йилдаги 1364-сонли буйруғига асосан коллежга тегишли, Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси, 6-уйда сақланган «ГБС СПГ Газ-3102» русумли, д/р 01/229РВА бўлган, 2002 йил и/ч нозос автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 7 066 443 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 март кuni соат 11:00да бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушди). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 18 март кuni соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 20 март кuni сотилмаган тақдирда, тақдорий савдолар 2014 йил 27 март ва 3 апрель кунлари соат 12:00да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 27 мартдаги тақдорий савдолар учун 25 март кuni соат 18:00; 3 апрелдаги савдолар учун 1 апрель кuni соат 18:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банк» С.б.б. филиалидаги 2010000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 x/pга тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамис кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz, Ўғвоннома №006231.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 4 ва эртаб 5 мартда Тошкент шаҳрида ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратлади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фаз қўнайиши, тахмин қилишмоқда, тағ-қундузи — 15-17 даража миқдори паст бўлади.